



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ**

2019 йил “14” март

№ 249

Тошкент ш.

**Амалдаги “Олий таълим йўналишлари
ва мутахассисликлари Классификатори”га
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорининг 2-бандига асосан амалдаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб, ўрнатилган тартибда амалиётга жорий этиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 январдаги “Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4139-сон қарорининг 3-бандида белгиланган вазифа юзасидан амалдаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилганлиги инобатга олинсин (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 марта 14/1-328-сон топшириғи).

2. Амалдаги Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторининг “210 000-Социология ва психология” таълим соҳасига янги “**5210300-Сиёсатшунослик**” таълим йўналиши ҳамда мазкур таълим йўналиши негизида янги “**5A210301-Амалий сиёсатшунослик**” мутахассислиги киритилсин.

4. Янги дастурлар ва ўкув адабиётларининг жорий этилишини назорат қилиш бош бошқармаси (С.Ниязбеков), Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази (З.Ҳакимов)га:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетити (М.Бақоев) билан биргаликда Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторига киритилаётган таълим йўналиши ва мутахассислигининг малака талаблари ва ўкув режаларини соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиши ташкил этиш ва ўрнатилган тартибда расмийлаштириш вазифалари юклатилсин.

5. Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази (З.Ҳакимов)га бир ой муддатда “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш учун “Ўзстандарт” агентлигига тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

6. Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (М.Ҳамраев)га “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни ўрнатилган тартибда “Ўзстандарт” агентлигига давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ молиявий масалаларни ўрнатилган тартибда ҳал этиш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринbosари О.Абдурахманов зиммасига юклатилсин.

Вазир

И.Маджидов

